2011 ЙИЛ 9 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 28 (11.839) Баҳоси эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ТОКИОГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония Бош вазири Наото Каннинг таклифига биноан 8 февраль куни расмий ташриф билан Япония пойтахти Токио шаҳрига жўнаб кетди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Япония ҳамкорлигини кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

(ЎзА)

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЯПОНИЯГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

ТОКИО, 8 февраль. ЎзА махсус мухбири Олим ТЎРАҚУЛОВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония Бош вазири Наото Каннинг таклифига биноан 8 февраль куни расмий ташриф билан Токио шаҳрига келди.

Ўзбекистон ва Япония муносабатлари анъанавий дўстлик ва ўзаро ишонч руҳида ривож топмоқда. Ҳамкорлик кўлами ва йўналишлари томонлар манфаатларига мос тарзда йил сайин кенгайиб бораётгани бунинг тасдиғидир.

Ташрифнинг асосий воқеалари 9 февраль куни бўлиб ўтади. Олий даражадаги учрашув ва музокаралар давомида икки томонлама алоқаларни янада мустаҳкамлаш, шунингдек, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинади. Уларнинг якунида томонлар ўртасида расмий ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

(ЎзА)

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди. Тадбирда навоийшунос олимлар, тадқиқотчилар, ёзувчи ва шоирлар, адабиёт ихлосмандлари, журналистлар иштирок этди.

9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун

СЎЗ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИГА ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти С.Ғуломов, Тил ва адабиёт институти директори Н.Маҳмудов, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири А.Орипов, адабиётшунос олимлар С.Ғаниева, И.Ҳаққулов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавий қадриятларимизни тиклаш, ривожлантириш ва жаҳон миқёсида кенг намойиш этиш, буюк алломаларимиз меросини фундаментал тадқиқ қилиш ишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Улуғ ўзбек шоири Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижоди ва фаолиятини чуқур ўрганишга кўрсатилаётган эътибор ва эҳтиром бунинг ёрқин далилидир.

Буюк мутафаккир асарларидаги умуминсоний ғояларни изчил ўрганиш, кенг тарғиб этиш ва ёшларимизнинг онг-шуурига чуқур сингдириш юртимиздаги маънавий-маърифий ишларнинг муҳим йўналишидир. Навоийшунос олимларимизнинг изчил тадқиқотлари натижасида алломанинг йигирма жилдлик мукаммал асарлари тўплами чоп этилди. Шоирнинг табаррук хотирасига эҳтиром рамзи сифатида ватанимизнинг кўплаб жойларида, шунингдек, Москва, Токио, Боку каби бир қатор шаҳарларда Алишер Навоийнинг ҳайкали қад ростлади. Юртимизда улуғ бобомизнинг таваллуд айёмини кенг тантана қилиш, ушбу сана муносабати билан таълим масканлари, маънавият-маърифат даргоҳларида навоийхонлик тадбирларини ўтказиш яхши анъанага айланди.

Алишер Навоий ижодий меросига юртимизда ва хорижда қизиқиш тобора кучайиб бораётир. Унинг асарлари турли хорижий тилларга таржима қилинмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтидан маълум қилишларича, мазкур илмий даргоҳда амалга оширилаётган тадқиқотларнинг салмоқли қисми Навоийнинг барҳаёт меросини кенг тадқиқ этишга йўналтирилаётир. Бу изланишлар шоир асарларини ва уларга бағишланган луғатларни нашрга тайёрлаш йўналишларида айниқса кенг йўлга қўйилган. Бундай тадқиқотлар натижасида 2010 йилда қатор янги нашрлар адабиёт ихлосмандларига тақдим этилди. Навоийнинг қасидалари, мактаб ўқувчилари учун яратилган «Мумтоз адабий асарлар луғати» шулар жумласидандир.

Анжуманда Алишер Навоийнинг инсоният тамаддунига қўшган ҳиссаси, «Ҳазойин ул-маоний»нинг яна бир нодир нусхаси, «Бобурнома» ва «Тарихи Рашидий» асарларида Алишер Навоий образи, шоир достонларида ранглар тасвири каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Баҳор ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Ватанга хизмат — муқаддас бурч

ОҚ ЙЎЛ, ЎҒЛОНЛАР!

Айни кунларда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 22 декабрда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига Фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ танловлардан муваффақиятли ўтиб, она-Ватан посбони бўлишга муносиб деб топилган ўғлонлар катта тантана билан ҳарбий хизматга кузатилмоқда.

Куни кеча Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармасининг йиғин пунктида навбатдаги кузатув маросими бўлиб ўтди. Унда хизматга отланган йигитларнинг ота-оналари, яқинлари, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, турли давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олганлар мустақил юртимизнинг посбони бўлишни муқаддас бурч деб билган марду майдон йигитларга хизматни шараф билан ўташларида омадлар тиладилар, ота-оналари, устозлари таълим-тарбиясини оқлаб, тенгдошларига намуна кўрсатиб, юзлари ёруғ бўлиб бағриларига қайтишларига эзгу тилакларни билдирдилар.

Ҳарбий хизматга отланган йигитларнинг сафда мағрур туришлари, яқинларига меҳр билан боқиб, «ишончингизни албатта оқлаймиз» деб турган ёниқ кўзлари улар қалбида кечаётган ҳисҳаяжонни шундоқ кўрсатиб турарди. Уларнинг ва ота-оналарнинг дил сўзларини қоғозга туширишга ҳаракат қилдик.

— Мен ёшликдан ҳарбий кийим кийиб, она-Ватан посбони бўлишни орзу қилардим, — дейди шайхонтоҳурлик Одилжон Собитов. — Мана, насиб этиб орзуларим ушалиши учун илк қадамни қўйдим. Хизматни яхши ўташга, ҳарбий техникани пухта ўрганиб сафдошларимга ўрнак бўлишга интиламан.

— Мен бу йил «Ватанпарвар» ташкилотида ҳайдовчилик касбини эгалладим, — дейди чилонзорлик Азамат Муҳсинов. — Ҳозир машинани бемалол, дадил бошқара оламан. Ниятим, хизматни яхши ўтаб тавсиянома билан қайтиб, ўзим орзу қилган Тошкент автомобиль йўллари институтига ўқишга киришдир.

— Ўғлим Сардор Жамоловни юрагимда катта бир қувонч ва ғурур билан хизматга кузатмоқдаман, — дейди Зулфия Гулмуҳаммедова. — Чунки ҳар бир она учун фарзандининг навқирон бўйбастини кўриш катта бахт. Жисмоний машғулотлар, танлов ва тест синовларидан муваффақиятли ўтган ўғлоним тинчлигимизни қўриқлашга лойиқ деб топилди. Ишонаманки, спортчи ўғлим ўзига билдирилган ишончни албатта оқлайди. Ой бориб, омон келсин.

Шу куни ким билан суҳбатлашмайлик Қуролли Кучларимизда хизмат қилиш наинки Конституциявий бурч, балки шараф ва ифтихорга айланиб бораётганига гувоҳ бўлдик. Ҳа, она-Ватан тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги мард, жасур, ватанпарвар посбонлар, элимизнинг, юртимизнинг ишончли қалқонлари қўлида, шундай экан доимо осмонимиз мусаффо, хонадонларимизда тинчлик-осойишталик, бағримиз бутун, бешикларда келажак авлод улғайиб, мунис оналар алласи юракларни эзгуликка тўлдиради.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТДА: Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармасининг йиғин пунктида бўлиб ўтган тантанали маросимдан лавҳа

Козим Ўлмасов олган сурат

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий, адабий-бадиий кеча уюштирилди.

✓ **КЕЧА** Учтепа туман ҳокимлиги ташаббуси билан «Шофайзи» боғида улуғ алломалар Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди муносабати билан «Оламлар аро икки дил» деб номланган тадбир ўтказилди.

✓ **БУГУН** Шаҳар тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиник шифохонасида инсон саломатлиги муҳофазасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида Президентимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашга бағишланган Ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.**

● **Республика Маънавият тарғибот марказида «Алишер Навоий ижоди – миллий маънавий хазинамиз» мавзуида маънавий-маърифий кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда турли идора ва ташкилотлар вакиллари, олимлар, адиблар, маданият ва санъат намояндалари, адабиёт ихлосмандлари иштирок этди.**

● **Кармана туманида «Фермер хўжаликлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлаш» мавзуида республика семинари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Адлия вазирлиги вакиллари, барча вилоятлардан фермерлар ва тегишли ташкилотлар мутахассислари иштирок этди.**

● **Чимбой тумани ҳудудида бунёд этилган йигирмата янги замонавий уйнинг калити ўз эгаларига топширилди. «Чимбой-Нукус» автомагистрали ёқасида бунёд этилган бу шинам уйлардаги қулайликлардан аҳоли беҳад мамнун. Янги уйларга табиий газ, электр энергияси, тоза ичимлик суви келтирилиб, аҳоли пунктида савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилмоқда.**

● **«Қумқўрғонматлуботсавдо» МЧЖ томонидан 36,5 минг АҚШ долларилик банк кредити ҳисобига қолипли нон ишлаб чиқариш технологик линияси ишга туширилди. Корхона фаолият бошлаши билан маҳаллий ёшлардан 20 нафари иш билан таъминланди.**

● **Самарқанд шаҳридаги «Фарҳод» ёғочни қайта ишлаш базаси негизида гилам тўқиш корхонаси фаолият бошлади. Натижада 70 киши иш билан таъминланиб, йилига 1 миллион 200 минг метр ҳажмдаги гилам тайёрлаш имконияти юзага келди.**

● **Бойсун туманининг олис Шўрсой қишлоғидаги 150 та хонадон аҳолиси тоза ичимлик суви билан таъминланди. Ушбу хайрли иш «Экосан» халқаро жамғармасининг 34 миллион сўмлик маблағи эвазига амалга оширилди.**

ЖАҲОНДА

● **Россия президенти Д.Медведев 2011 йил куз фаслидан бошлаб анъанавий «қиш вақти»га ўтиш бекор қилинишини билдирди ва бу борада ҳукуматга тегишли кўрсатмалар берди.**

● **АҚШ ядро қуролларини қисқартириб, ракетага қарши мудофаа тизимини кучайтиришни режалаштирмоқда.**

● **Кеча Исроил ҳарбийларининг Ғазо секторига авиация зарбалари бериши натижасида 8 киши яраланди.**

● **Кеча Калининград областида «Николас» довулининг ҳуруж қилиши натижасида катта ҳудудни сув босди, 50 мингдан ортиқ киши электр қувватисиз қолди, бир нечта автомобиллар шикастланди. Довул муносабати билан областда фавқулодда ҳолат режими жорий этилди.**

● **Кеча Кемерово — Бангкок йўналиши бўйича парвоз қилаётган самолёт юзага келган носозликлар боис Новосибирсккa мажбурий қўнишни амалга оширди.**

● **Мексиканинг шимолий қисмида сўнгги 60 йил ичида илк бор ҳаво ҳарорати кескин пасайиб кетди. Мамлакатнинг қатор ҳудудларида ҳарорат –13 даражагача тушган. Натижада электр ва иссиқлик энергияси таъминотида узилишлар вужудга келган. Мактаблар вақтинча ёпилиб қўйилди.**

● **Нью-Йоркдан Парижга йўл олган самолёт ёқилғи тизимида юзага келган муаммо туфайли аэропортга қайтиб қўнишга мажбур бўлди. Бундай носозлик «А-380» русумли самолётда учинчи марта кузатилмоқда.**

● **Турар жойлар нархининг қимматлиги бўйича Гонконг жаҳонда биринчи ўринга чиқди. Ҳозир бу ерда 1 квадрат метрнинг баҳоси 1050 долларни ташкил этмоқда. Таққослаганда, бу Лондон шаҳрига нисбатан 76 фоиз юқори кўрсаткич ҳисобланади.**

Ўзбекистонда ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг ишончли қонунчилик негизини шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга ушбу йўналишдаги ислоҳотлар мантиқлилиги ва изчиллигини, энг замонавий бозор меъёрларига мувофиқлигини баҳолаш жараёни иқтисодиётни бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда. Президентимизнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида илгари сурган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида «Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда» дея, алоҳида таъкидлаб ўтганди. «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун шулардан биридир.

Маълумки, кўчмас мулк бозори иқтисодиётнинг муҳим ажралмас қисми ҳисобланади. Кўчмас мулк турли тармоқларда фаолият юритаётган ҳар бир хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг асоси, шунингдек аҳоли фаровонлигининг зарурий шартидир. Бинобарин, ҳар қандай мамлакатнинг тараққиёти кўчмас мулк бозорининг ривожланганлик даражаси билан узвий боғлиқ.

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб кўчмас мулк билан боғлиқ муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириш, ривожланган кўчмас мулк бозорини шакллантиришга чуқур эътибор қаратилди. Жумладан, давлат турар жой фондининг хусусийлаштирилиши, нотурар жой ва ишлаб чиқариш объектларининг тижорат муомаласига киритилиши натижасида иккиламчи кўчмас мулк бозорининг шаклланишига, кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти ҳам шаклланишига олиб келди. Бугунги кунда республика бўйича кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан шуғулланаётган субъектлар 2,5 мингдан ортиб кетди.

Шу билан бирга шундай хизматлар давлат рўйхатидан ўтмаган, аҳоли орасида «маклер» деб аталувчи воситачилар томонидан ҳам кўрсатиб келинмоқда. Бундай фаолият шу пайтга қадар Фуқаролик кодексининг умумий қоидалари асосида шартнома тузиш орқали юритилганини айтиб ўтиш жоиз. Ўрганишлар таҳлили, кўчмас мулк билан боғлиқ низоли ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти материаллари, кўчмас мулк бозори қатнашчилари ва давлатнинг манфаатлари мувозанатини таъминлаш, соҳада хизмат кўрсатиш самарадорлигини босқичма-босқич ривожлантириш каби омиллар мамлакатимизда риэлторлик фаолиятини тартибга солишга қаратилган алоҳида қонун ҳужжатини қабул қилиш заруриятини келтириб чиқарди.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароитида вужудга келаётган янги фаолият турлари, шу жумладан баҳолаш фаолияти, қимматли қоғозлар бозоридаги профессионал фаолият, аудиторлик фаолияти, суд маслаҳатчилари фаолияти кабиларни ҳуқуқий тартибга солиш тажрибаси шуни кўрсатадики, янги фаолият турлари алоҳида қонун ҳужжатлари асосида тартибга солиниши ушбу йўналишда тез фурсатларда

Қонун ва ижро

КЎЧМАС МУЛК БОЗОРИДАГИ СИФАТЛИ ХИЗМАТ

сифат ўзгаришларига эришиш имконини яратади.

2010 йил 23 декабрдан кучга кирган «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун шу мақсадда қабул қилинди.

Инглиз тилидан олинган («realtor» – кўчмас мулкни сотиш бўйича воситачи) мазкур ибора билан боғлиқ профессионал фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича хорижий мамлакатлар, хусусан Германия, Франция, Бельгия, Голландия, Люксембург каби давлатларда тўпланган тажрибага кўра, ушбу фаолият тури давлат томонидан лицензиялаш орқали тартибга солинади. Мамлакатимизда ҳам жорий этилган мазкур тартиб кўчмас мулк бозори иштирокчилари ва давлат манфаатларини уйғунлаштирувчи тизимни яратишда муҳим аҳамият касб этади. Риэлторлик фаолияти, яъни юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари билан боғлиқ тадбиркорлик фаолияти қуйидаги хизматларни кўрсатиш орқали амалга оширилади: кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғидаги воситачилик; кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш; кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш; кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари. Риэлторлик ташкилоти лицензияга эга бўлган тижорат ташкилоти сифатида қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, риэлторлик ташкилоти давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ташкил этилиши мумкин эмас. Ўз навбатида, бундай ташкилот риэлторликдан ташқари бошқа фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга эмас. Жисмоний шахсларнинг риэлтор сифатида якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун малака сертификатига ва лицензияга, ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш полисига эга бўлиши талаб этилади.

Риэлторлик фаолиятини лицензиялаш қонунда ўз ифодасини топиши ушбу хизмат талаб даражасида кўрсатилишига, уни сифат жиҳатдан назорат қилиш механизмларини амалга оширишга кенг шароит яратади. Фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш полиси мавжуд бўлишига оид талаб эса кўчмас мулк бозоридаги воситачиларнинг профессионал жавобгарлигини таъминлаш ва истеъмолчиларга етказилган зарарларни кафолатлаш имконини беради.

Эътиборлиси, риэлторлик хизматини кўрсатишда амалдаги бошқа қонун ҳужжатлари, хусусан Фуқаролик, Ер, Уй-жой, Шаҳарсозлик кодекслари, шунингдек «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги, «Нотариат тўғрисида»ги, «Ипотека тўғрисида»ги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун ҳужжатлари қоидаларига ҳам риоя этиш талаб этилади.

Қонунда ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларининг алоҳида тури сифатида «риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси» алоҳида моддада ўз ифодасини топди. Албатта, фуқаролик ҳуқуқий шартномаларнинг мазкур тури тарафлар ўртасида ёзма шаклда тузилиши ҳамда шартнома талаблари бажарилганлигини тасдиқловчи риэлторлик ташкилотининг раҳбари ёки риэлтор ва буюртмачи томонидан имзоланадиган далолатнома ҳам тайёрланиши лозим. Бунда риэлторлик ташкилоти ёки риэлтор кўрсатилган хизматга бевосита тааллуқли бўлган барча ҳужжатларни буюртмачига топшириши талаб этилади.

Демак, риэлторлик хизматларининг сифати кўп жиҳатдан шартномавий муносабатларнинг қандай йўлга қўйилганлиги билан узвий боғлиқдир.

Мамлакатимизда риэлторлик хизмати тадбиркорлик фаолияти сифатида лицензияланиши шу пайтга қадар белгиланмаганлиги, ўз навбатида, кўрсатилаётган риэлторлик хизмати сифати талаб даражасида бўлмаслиги, ушбу фаолиятдан олинаётган даромадлар декларация қилинмаслигига олиб келар эди. Назорат қилувчи органлар сифатсиз риэлторлик хизматини кўрсатаётган риэлтор фаолиятини чеклаш учун етарли ваколатга эга эмас эди. Айнан мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 12 майда қабул қилинган «Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги 222-I-сонли қарорининг 1-иловасига қўшимча киритиш ҳақида»ги янги қонун билан риэлторлик фаолияти лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхатига киритилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, ушбу қонунларнинг ижтимоий ҳаётимизга татбиқ этилиши кўчмас мулк бозорини тартибга солувчи қонунчилик тизимини сезиларли тарзда кенгайтиришга, риэлторлик хизмати истеъмолчиларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини таъминлашга, солиқ тушумларини легаллаштиришга ҳамда қонуний тартибга солишга асос бўлиб хизмат қилади.

Нуриддин НАРМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари, юридик фанлари доктори.

Иқтисодиёт

ЯНГИ УСКУНАЛАР ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

Маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари ошириш ва юқори сифатини таъминлашда бугунги кун талаблари даражасидаги технологик ускуналарнинг аҳамияти беқиёс.

Шу боис ҳам ташкил этилганига эндигина икки йил бўлган «Макго Vit» хусусий корхонасининг дастгоҳ ва ускуналар ўрнатилишига, бунинг натижасида маҳсулот турларини кўпайтиришга, сифатни иш билан таъминлашга эътибор қаратилмоқда.

— Илк фаолиятимизни 10 нафар малакали мутахассисни жамлаган ҳолда маҳаллий хом ашёдан ишлаб, гўшт ва колбаса маҳсулотлари тайёрлашдан бошлаганмиз, — дейди корхона директори Виктор Урбанович. — Ҳозирда эса бозор талабларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришимиз ўз самарасини бериб, ишчиларимиз сафи 20 нафардан ошди. Маҳсулотларимиз сифати ва турларини ошира бориб, ҳар йили корхона, ташкилот ва савдо шохобчаларига шартнома асосида етказиб бермоқдамиз. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳам яратилган имкониятлар самарасини, албатта фаолиятимиздан кўриб кўришни мақсад қилган ҳолда янги лойиҳалар устида иш олиб бораяпмиз.

Корхона цехларига янги технологик линияларни ўрнатиб, ишлаб чиқаришни кенгайтиришда банкдан олинган кредит маблағи тадбиркорларга қўлди. Эндиликда эса жамоа аҳли хом ашёни ҳамма вақт тайёрлаш мақсадида истиқбол режаларини белгилашмоқда. Бунинг учун эса олинган фойда, ички ўз маблағлари ҳисобидан чорва молларини ўстириш, улар учун озуқа экинларини етиштириш мақсадида ер майдонига эга бўлиш сингари йўналишлар бўйича фаолият кўрсатмоқда. Ниятлар амалга ошса, ишлаб чиқариш жадаллашуви баробарида сифатли маҳсулот турлари ҳам кўпаяди. Энг муҳими аҳоли дастурхонига тўйимли озиқ-овқат маҳсулотининг рақобатбардош турлари етказиб берилади.

КЎРГАЗМАЛАРДА ҲАЛ ФАОЛ ҚАТНАШМОҚДА

Мустақиллик берган имконият самараси ўзбек миллий ҳунармандчилиги ривожида ҳам ўз ўрнини кўзга ташланмоқдаки, қўли гул усталаримиз маҳорати билан яратган ҳақиқий санъат даражасидаги ҳунармандчилик буюмларига хориждан ҳам буюртмалар кўпаймоқда.

Ҳунармандчиликнинг турли йўналишлари орасида сомон санъатининг ҳам ўз ўрни бўлиб, тайёрланган маҳсулот ва буюмлар жозибаси билан ҳаридорларга манзур бўлмоқда. Сомон санъати устаси орасида ёш ҳунарманд Анвар Назаровнинг ўз услуби бўлиб, у бир қатор халқаро ярмаркаларда фаол иштирок этган, «Ташаббус» кўрик-танловида маҳоратини намойиш қила олган.

— Айни пайтда устозларимдан ўрганганларимни мазкур йўналишга қизиққан ёшларга қунт билан ўргатиб бораяпман, — дейди Анвар Назаров. — Бугунги кунга келиб шогирдларимнинг сони 15 нафардан ортиб кетди. Улар билан биргикда оддий сомон хом ашёсидан фойдаланган ҳолда, миниатюра, карикатура, манзара ва тарихий асарларга мурожаат қилиб, кўплаб маҳсулотлар яратмоқдамиз. Биз ҳунармандларга яратилган шарт-шароит ва имтиёзлардан унумли фойдаланмоқдамиз. Бу ишимиз ривожини, ижодимиз равнақини таъминламоқда.

Келажакда ўзбек сомон санъати йўналишини дунё миқёсига олиб чиқишга интилаётган Анвар Назаров Россия, Қозоғистон, Туркия сингари давлатларда ўтказилган кўргазмаларда ўз ижоларини билан иштирок этмоқда. Жорий йилда у шогирдлари сафини 30 нафарга етказишни ниятлаган.

ХАРИДОР ТАЛАБИГА МОС

Харидор талабига мос, диди ва эҳтиёжига хос маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга жорий этган корхоналар, албатта бозорда муносиб ўрин топади.

Бунинг учун эса пухта режа асосида бозорни ўрганган ҳолда имкониятлардан самарали фойдаланиш лозим. Маҳаллий хом ашё ҳисобига истеъмол молларини ишлаб чиқарилиб, ички бозорда уларнинг рақобатбардош турлари кўпаймоқда. Муҳими мазкур кийим-кечаклар четдан келтирилаётган худди шундай товарлар ўрнини босади. Бу борада кичик бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг изланишлари яхши натижаларга эришмоқда.

Ҳозирда 12 нафар малакали мутахассислар жамланган «Ziynat Tekstil Servis» масъулияти чекланган жамиятида эркаклар ва болалар учун турли ёшдаги устки кийимлар тикилмоқда. Цехларга ўтилган Японияниг тикув дастгоҳлари маҳсулотлар сифатини таъминлашга хизмат қилади. Сифатли маҳсулотларни эса улар пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган тўқимачилик корхоналаридан олишади.

Ўтган йилда чеварлар томонидан 20 хил зиёда маҳсулот турлари харидорларга тортилган бўлса, уларнинг 10 тури янги моделдаги им-кечаклардир. Асосийси, бозорларимиздаги импорт маҳсулотлар билан ҳар томонлама рақобатлашаётган мазкур товарлар уларга нисбатан бирмунча арзондир. Бу эса харидор эҳтиёжи ҳам ҳисобга олинаётганидан далолатдир.

Шарофат БАЙМОВА

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

СОВРИНДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан жойларда турли хил танловлар, тадбирлар ўтказилмоқда.

Жумладан, Шайхонтоҳур туманидаги 34-мактабда халқ таълими бўлими ташаббуси билан туман мактаблари ва мактабгача таълим муассасалари ўқитувчилари ва ўқувчилари томонидан ясалган буюмлар кўргазмаси ташкил этилди. Тадбирда тумандаги барча мактаблар ўзларининг кўргазмалари билан иштирок этишди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан туман миқёсида меҳнат фани ўқитувчиларининг олиб бораётган ишларини намоён этиш мақсадида уюштирилган тадбирда, ўқувчилар томонидан тайёрланган миллийлик руҳи сингдирилган, ўзбек хонадонларида ишлатиладиган уй-рўзғор буюмлари, чевар қизларимиз томонидан тикилган либослар, тўқилган кийим-кечаклар, ҳунарманд ўқувчилар ясаган буюмлар кўргазмадан ўрин олиб, ҳайъат аъзолари томонидан холисона баҳоланди.

Тадбирда шунингдек, ўқувчилар томонидан тайёрланган буюмлар кичик бизнес ва тадбиркорлик ишларини мактабларда жонлантиришга имкониятлар яратиши мумкинлиги ўрганилди.

— Кўргазмани ўтказишдан мақсад, ўқитувчиларнинг ўз вазифаларига масъулият билан ёндошиши, ўқувчиларнинг меҳнат фанига бўлган қизиқишларини ошириш, янги таҳрирдаги дастурдан унумли фойдаланишларини ташкил этишни ўрганиш ва ушбу фаннинг ўқувчиларни касбга йўналтириш, уй-рўзғор юритиш ва умуман ҳаёт учун зарур бўлган кўникмаларни ҳосил қилишига кўмаклашишдан иборат, — дейди Шайхонтоҳур туман халқ таълими бўлими мудири Сарвар Маҳмудов.

Кўргазмада совринли ўрин эгаллаган мактаблар аниқланиб, туман халқ таълими бўлими томонидан муносиб тақдирланди.

Дилдора АКРОМОВА

СУРАТДА: 34-мактабда ўтказилган тадбирдан лавҳа
Козим Ўлмасов олган сурат

Тошкентда Халқаро меҳнат ташкилоти Халқаро ўқув маркази (ХМТ ХҲМ) модули бўйича «Муваффақиятли микромолиялаштириш калити: энг зўр натижаларга эришишнинг бошқарув санъати» тренингининг икки ҳафталик сессияси ўз ишини бошлади.

МИКРОМОЛИЯЛАШТИРИШ КАЛИТИ

Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда БМТ Ўзбекистондаги тараққиёт дастурининг Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликдаги «Микромолиялаштириш сектори ривожланишини қўллаб-қувватлаш» қўшма лойиҳаси доирасида ўтказилмоқда.

Микромолиялаштириш бўйича аккредитациядан ўтган тренерлар миллий гуруҳини кенгайтиришга йўналтирилган мазкур тренинг юртимизда иккинчи марта ўтказилмоқда.

БМТ ТД «Микромолиялаштириш сектори ривожланишини қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси микромолия сектори салоҳиятини мустаҳкамлашга ҳамда микромолия институтларининг жамғарма, кредит ва бошқа молиявий хизматлар тақдим этиш бўйича фаолиятини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш ва барқарор ўсишига кўмаклашишга йўналтирилган.

Тренингни ташкил этишдан асосий мақсад иштирокчиларнинг менежмент тўғрисидаги билимларини ошириш, микромолия ташкилотларни янада самарали бошқаришга эришишдан иборат. Тренинг мобайнида иштирокчилар мавжуд муаммоларни ҳал этиш стратегиялари ҳақида ўзаро фикр алмашиш имкониятига эга бўладилар.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА,
"Туркистон-пресс"

Ёшлар — келажагимиз

ЗАМОНАВИЙ ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ АСОСИДА

Мамлакатимизда барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида ривожланишнинг устувор йўналишлари изчиллик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ва бу борадаги мажмуавий дастурларни амалга оширишда банк соҳасининг ўрни алоҳида. Айни шу соҳада ишлайдиган ёшларимиз учун Тошкент банк коллежи замонавий таълим маскани бўлиб, ўқувчилар танлаган мутахассислиги бўйича давлат стандартлари асосида, касбий йўналишига қараб, қобилиятлари, кўникмалари ва эҳтиёжлари ҳисобга олинган ҳолда ўқитилади.

Коллежимизда танлаган мутахассисликлари бўйича чуқур билим ва касбий кўникма олиш учун ёшларга барча шароитлар яратилган. Бизда бешта йўналиш: банк иши; банкларда бухгалтерия ҳисоби; молия; бухгалтерия ҳисоби ва суғурта иши бўйича малакали мутахассислар тайёрланади. Замонавий тарзда жиҳозланган ўқув ва лаборатория хоналари зарур ўқув-техника воситаларига эгалиги билан алоҳида ажралиб туради. Дарслар фанларга ихтисослашган хоналарда замонавий ўқитиш педагогик технологиялари асосида олиб борилади.

Тўртта иммитацион ўқув банки, битта ўқув-тажриба банки, сўнгги русумдаги компьютер, видеопроектор, видеокамера, видеокўз ва видеомагнитофонлардан иборат саккизта компьютер ва учта лингафон хоналари ўқувчилар ихтиёрида. Шу жумладан, физика, кимё, биология фанларидан замонавий технологиялар билан махсус жиҳозланган фан кабинетлари, спорт зали, теннис корти ва бошқа спорт турларига мўлжалланган спорт майдончалари мавжуд.

Ички локал тизимига уланган компьютерлашган электрон кутубхона — ахборот-ресурс маркази ўқувчиларнинг билим олишлари учун хизмат қилади. Шу ўринда ўғил-қизларимизнинг назарий олган билимларини амалиётда қўллашни ўрганишлари учун, яъни касбий кўникма ҳосил қилишлари мақсадида электрон иммитация банкларида банклар учун махсус ишлаб чиқилган «АСКБ» (тижорат банкларининг автоматлаштирилган ахборот тизими) дастури ўрнатилган. Ўқув тизимига мослаштирилган мазкур дастур ёрдамида ўқувчиларимиз бевосита машғулотларда банк амалиётларини: кирим-чиқим кассаси, пул муомаласи ҳамда тўловларни ўтказиш ишларини мустақил бажаришни ўрганади.

Эътиборли томони, таълим масканида бугунги кунда ўқувчиларга билим бериш, малакали мутахассис қилиб етиштириш борасида 261 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатяпти. Улардан тўрт нафари фан доктори, 24 нафари фан номзоди, қолганлари етакчи ҳамда катта ўқитувчилар ўз соҳаларининг етук мутахассислари ҳисобланади. Ҳамкорлар — пойтахтимиздаги тижорат банклари, солиқ, молия идоралари, кўплаб халқ хўжалиги тармоқлари, соҳадаги ассоциация, олий ўқув юртлари билан яқин алоқалар ўрнатилган.

Шу боис бўлса керак, битирувчиларимиз амалиётга тайёр бўлиб етишиб чиқади. Ишга жойлашишда ҳам муаммо йўқ.

Ваҳоб ЭГАМБЕРДИЕВ,
Тошкент Банк коллежи ўқитувчиси

9 февраль – Алишер Навоий таваллуд топган кун



Ўзбек мумтоз адабиёти қадимий туркий маданиятнинг муҳим бир қисми ва энг гўзал ойнасидир. Ўз миллатининг тарихи, маданияти ва маънавиятини чуқур англашни истаган ҳар бир шахс мумтоз адабиётни севиши, уни етарли даражада билиши лозим.

Бизнинг мумтоз адабиётимиз «маркази», яъни пойтахтини Алишер Навоий ижодиёти ташкил этади, деса асло хато бўлмас. Олис бир вилоят ёки кентдан келиб пойтахтга мослашиш ва унинг ички ҳаётини пухта англаш қанчалик қийин бўлса, Навоийнинг ижод олами сир-асрорини ўзлаштириш янада машаққатлидир. Агар мендан «Навоийни билишнинг энг осон ва ўнғай йўли нима?» деб сўрашса, мен албатта «Навоийни, энг аввало, Навоийнинг ўзи орқали тушуниш, унинг бетимсол шахсидан ижодиётига томон бориш», деб жавоб берган бўлардим. Бу нима дегани? Тайёр, ҳеч биров эътироз қилмайдиган мавзуларда ёзиш, кўпчилик ўрганиб, кўникиб кетган тушунчаларга диққатни қаратиш – бундан осон иш йўқ. Аммо айтарли ҳар бир фикрни бевосита ўзининг шахси ҳамда ҳолати билан вобасталикда ёритиш, сўзни китобийлик, ясамакорлик офатидан бутунлай қутқариш ҳазилакам ҳунар эмас.

Шарқ адабиёти ўқувчиси якранглик, такрорбозлик, жўн ёки қуп-қуруқ ақлхонликлардан баъзида безиб кетган. Буюк санъаткорлар, жумладан, Алишер Навоий шеърхон кўнглидан йўл топишда, ҳеч бўлмаганда оҳанг ва ифодани янгилаш эҳтиёжи ила қалам тебратган.

«Сўз боғи ажаб гулистонедурким, – дейди Навоий «Назм ул-жавоҳир» муқаддимасида, – анда жонбахш атрлиқ ашжори мавзун ва руҳпарвар ройиҳолик раёҳини гуногун кўпдурур ва лекин фойдасиз хасу хошоки, балки зарарлиқ хори ҳалоки ҳам бордур».

Навоий сўз боғини фойдасиз хасу хашак, ҳатто зарар етказувчи хору алафлардан тозалашга ҳамиша алоҳида аҳамият бериб, сўз ва маънининг порлоқ инжуларини авлодларга мерос қолдирган. Бу жиҳатдан мутафаккир шоирнинг фикрлаш ва танлаш салоҳиятига ҳам тан бермасликнинг иложи йўқ.

«Назм ул-жавоҳир» ўзига хос бир ахлоқ-одоб мажмуаси. Ундаги тўртликлардан бири «Элнинг адаби хушроқ эрур олтундин», деб тугалланади. Ва аксарият шеърлар айнан шу ҳақиқатнинг ростлиги, дахлсизлигини тасдиқлайди.

«ЭЛНИНГ АДАБИ ХУШРОҚ ЭРУР ОЛТУНДИН»

Маълумки, ёшларни яхши тарбиялаш учун аввало катталарнинг ўзи тарбия кўрган бўлиши зарур. Ота-онадаги ахлоқий иллат ёки маънавий ноқислик фарзандда кучайса кучаядики, сусаймайди. Шунинг учун нафсни таниш, нафс тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш кўп ёмон феъл-атвордан фориғ яшашга яқиндан ёрдам беради. Нафс калимаси руҳ, жон, қон, жасад, бирор нарсанинг зоти, жавҳари; ҳамият, қийнаш, уқубат каби хилма-хил маъноларда қўлланилган. Тасаввуф ва тасаввуф адабиётида нафс образлаштирилган ва илон, ит, тулки, арслон сингари қатор жонзодлар қиёфасида тасвирланган. Аслида нафс инсоннинг ҳирс ва ҳиссиётларидир. Одам майдалашдими, ўзигамас, ўзгага суянади, Оллоҳданмас, бандасидан нажот тилайди. Шуларнинг ҳаммасини умумлаштириб Навоий шундай дейди:

Нафс амрида ҳар нечаки
толпинғайсен,
Кўп гарчи бутунлик тиласанг,
синғайсен,
Ком истаю неча элга ёлинғайсен,
Нафсингга хилоф айлаким,
тинғайсен.

Нафс хуружига қарши туришнинг шартларидан бири қиёъати таом – кам овқатланиш, меъёридан ортиқ еб-ичишга имкон бермасликдир.

Ҳар кимгаки кўп таом
емак фандир,
Билгилки, нажосатқа тани
маскандур,
Қорнинг била дўст бўлмасанг
аҳсандур,
Невчунки эр ўғлиға қорин
душмандур.

Бундай фикрларнинг маъно-мазмунини инсон қанча эрта англаса, қанча вақтли унга амал айлай олса, у ўшанча ютади. Зеро, таомга ҳорислик, қорин кўзи билан дўст танлаш ҳам ғурур, ҳам мардликнинг заволидир.

Хожа Аҳмад Яссавий ҳикматларидан бирида «Кўнгли қаттиқ халойиқдан қочдим маъно», деган гап бор. Кўнгли қаттиқ, бағритош – ҳеч бировга ачинмайдиган дегани. Бундай кимсалардан четлашишни кўпчилик билади, албатта. Аммо кўнгилнинг қаттиқлашувига сабаб нима – буни ҳамма ҳам ўйлаб кўравермайди. Навоийнинг кўрсатмаси бўйича, кўп ейдиган ҳорислар даврасига яқин бормай, парҳезкор кишилар билан ўтириб-туриш керак. Чунки кўнгил нозиклиги шундайларга хосдир.

Ким қалби дақиқ эрур,
анга муҳтож ўл,
Тўқлуқ чу кўнгулни қатиқ айлар,
оч ўл,
дейди донишманд шоир.

Навоий мажмуадаги рубоийларидан яна бирида:

Қисқарди ҳаёти ғам ичин
ёрғоннинг
Умри узун ўлди ранжи
қисқорғоннинг,

яъни, ичини ғам-ғусса тилка-пора қилган одам ҳаёти албатта қисқаради, ранжу ҳасрати камайган одам умри эса узаяди, дейди. Аслида ҳаётдаги бор гап ва нақд ҳақиқат мана шу. «Темирни занг, одамни ғам кемиради», деган фикр – тўғри фикр. Бироқ инсондаги яна бир фазилат шуки, у ғамни шодлик ила бартараф эта олганидек, йўқликда ўз мавжудлигини намоён қилиб, меҳнат-машаққат ичида мурод-мақсадига етишади:

Ғамдин дурур ўзни шод
топмоқ билгил,
Бетўшалиқ ичра зод топмоқ
билгил,
Меҳнат ародур кушод топмоқ
билгил,
Ранж ичрадур мурод топмоқ
билгил.

Мағзини чақиб, бундай гапларни дилга сингдириш ёшларда ўзига ишончни қувватлантиради. Хуллас, «Назм ул-жавоҳир»ни ўқиш ва мукаммал англашга уриниш катта-ю кичик учун кони фойда эрур.

Иброҳим ҲАҚҚУЛ,
филология фанлари доктори

ШОИРЛАР СУЛТОНИ

Бобокалонимиз Алишер Навоий халқимиз онги ва тафаккури, маънавияти ривожига ўзининг ўлмас асарлари билан беҳисоб ҳисса қўшган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Мутафаккирнинг комил инсон ва мукаммал жамият борасидаги фикрлари ибратли ҳикоятлар, образлар ва гўзал тимсоллар воситасида ифодаланган. Навоийнинг ҳар бир сатри мангуликка дахлдордир.

Алишер Навоий ўз асарларида ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, сабр-қаноат, меҳр-шафқат, тўғрилик ва ҳалоллик каби эзгу инсоний фазилатларни тарғиб қилган.

Шундай экан, ҳозирги кунда биз педагоглар ёшларнинг ақлан етук, маънавий юксак, баркамол инсон бўлиб вояга етишларини таъминлашда бу улуғ зотнинг асарларидан фойдаланишимиз, унинг мазмун-моҳиятини ёшлар онгига чуқурроқ сингдиришимиз лозимдир.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод хорижий тиллар академик лицейида ҳам ўзбек халқи маънавий дунёсининг шаклланишига самарали таъсир кўрсатган улуғ мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллигини муносиб нишонлаш ва буюк бобокалонимиз ижодини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди.

Ушбу сана муносабати билан академик лицейда ҳафталик ташкил этилиб, режа асосида ўқувчилар ўртасида «Навоий бобом билан фахрланаман» мавзусида деворий газета ва иншолар танлови ўтказилди. «Алишер Навоий издошларимиз» мавзусида байрам тадбири ўтказилиб, музейда очиқ дарслар ташкил этилди.

Навоийнинг улуғлиги – ниятининг эзгулигида. Ўзбек тилига қайта жон бағишлади. Она тилимизда улкан асарлар яратиш мумкинлигини девонлар тартиблаб, «Хамса» битиб, илмий-насрий асарлари орқали амалда асослади. Энг муҳими – ўзбек тилида битган асарларида ифодаланган ғоялар жуда юксак мақомда эътироф этилди. Чунки инсон ва замоннинг деярли бирор муаммоси шоир назаридан четда қолган эмас.

Шу муносабат билан гуруҳларда ўтказилган маънавият соатларида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодий фаолиятига чуқур назар солиш, она тилига муҳаббат, унинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англаш онгу шууримиз, юрагимизга Навоий асарлари билан кириб келиши ҳақида сўз юритилди.

Бу бебаҳо меросдан ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришга, келажак авлодлар қалбида эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришга ҳисса қўшган бўламиз. Бобомизнинг бебаҳо мероси асрлар оша, авлодлар оша бизга эзгу амаллардан сабоқ бераверади.

Ш. ИБРАГИМОВА,
Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги Юнусобод хорижий тиллар академик лицейи маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари

Сўз мулкининг султони, улуғ мутафаккир шоир Алишер Навоий ижодини ўрганиш юртимиз мустақилликка эришгач янада кенг йўлга қўйилди. Юртбошимизнинг маънавиятга, миллий қадриятларга доимий эътиборлари туфайли Навоий ижодий мероси чуқур ўрганилмоқда. Маънавиятимиз хазинасига айланган асарлари қайта-қайта нашрдан чиқарилмоқда. Зеро Навоийни англаш, ўзликни англаш демакдир.

БАРКАМОЛЛИК МЕЗОНИ

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши, «Ўзбекистон-Иордания» дўстлик жамияти, Республика Фанлар академияси ҳамкорлигида ўзбек халқининг буюк шоири Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллигига бағишлаб адабий кеча ўтказилди. Тадбирда кўплаб навоийшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, дўстлик жамияти аъзолари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этди.

— Ҳазрат Навоийни мутолаа қилган инсон эзгуликка интилиб яшайди, — дейди кечада сўзга чиққан таниқли навоийшунос олима Суйима Ғаниева. — Алломанинг Ватанни севиш, илм ўрганиш, яхши муомалада бўлиш каби гўзал фазилатларни шакллантиришга хизмат қилувчи асарлари орасида «Маҳбуб ул-қулуб» алоҳида ўрин тутади. Ёки бўлмаса «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида ҳам шундай инсонийлик фазилатлари улуғланади. Ўзбек адабий тилининг равнақи учун кураш улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий фаолиятининг узвий ва муҳим бир қисми бўлди. Ушбу нодир асарда шоир адабий тил ва бадиий адабиёт соҳасидаги бой тажрибаларини назарий жиҳатдан ёритиб тилшунослик фанига катта ёрдам берди. Бугунги кунда Навоий асарлари ўзбек тилида кенг ўрганилмоқда.

Адабий кечада шунинг-дек, Дўстлик жамиятлари Кенгаши раиси, академик С.Ғуломовнинг «Навоий — фахримиз», Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг «Алишер Навоий ижоди — жаҳон миқёсида» мавзусидаги маърузалари тингланди. Талаба-ёшлар томонидан Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган бадиий чиқишлар, хорижий тилларни ўрганиш бўлими томонидан тузилган «Илҳом» гуруҳи талабалари Навоий ғазалларидан чет тилларида ўқиган намуналар, саҳна кўринишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Гулором ҲАМИДОВА

ШЕЪРИЯТ ОРАЗИНИНГ МУСАВВИРИ

Халқимиз мумтоз адабиётимиз хазинасини бой дурдона асарлар билан бойитишга муносиб ҳисса қўшган ҳазрат Алишер Навоий номини улуғлаб, асарларини ардоқлаб ўрганиб келмоқда. Шунингдек, ёшларни улуғ мутафаккирларнинг ибратли ҳаёт йўли, улар қолдирган бой маданий ва маънавий мерос билан яқиндан таништириш, аждодларимиз хотирасига ҳурмат ва эҳтиром руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айни кунларда мамлакатимизнинг барча гўшаларида буюк аллома, ғазал мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 570 йиллиги кенг нишонланмоқда. Жумладан, 1-Тошкент педагогика коллежида ҳам ушбу сана муносабати билан «Шеърият оразининг мусаввири» мавзусида адабий-мусиқий тадбир ташкил этилди. Тадбирда коллежнинг 306-гуруҳ ўқувчилари ҳазрат Навоийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида гапириб, ғазал ва рубоийларидан ёд олдилар, қўшиқлар куйлаб, «Хамса» асаридан саҳна кўринишларини намойиш этдилар.

— Шеърият мулкининг султони мир Алишер Навоий яратган бебаҳо асарлар ҳозирги даврга келиб ўқувчиларимиз томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда, — дейди коллежнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Камола Тўлебердиева. — Ўқувчиларни Алишер Навоий ижодига қизиқтириш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида инсоний фазилатларни, миллий онг ва миллий ғурурни шакл-лантириш мақсадида ҳар йили бу каби тадбирларни ўтказиб келмоқдамиз. Бу йил ҳам улуғ мутафаккир бобомиз таваллудининг 570 йиллигига ўқувчиларимиз катта тайёргарлик кўришди. «Шеърият оразининг мусаввири» мавзусида бадиий-мусиқий кечани катта қизиқиш билан ўзлари ташкил этишди. Тадбирни ўтказишда 3-босқич ўқувчиларидан Нилуфар Маҳмудова, Маҳфуза Ўткирова ва Осиё Жайлобова айниқса жонбозлик кўрсатишди.

Адабий-мусиқий тадбирда янграган мумтоз куй-қўшиқлар, жозибали рақслар кечага янада файз киритиб, йиғилганлар қалбига хушнудлик бахш этди.

Дилором ИКРОМОВА

СУРАТДА: адабий-мусиқий тадбирдан лавҳа
Козим Ўлмасов олган сурат

Алишер Навоий «Хамса» таркибидаги биринчи достони «Ҳайрат ул-аброр»нинг 19- мақолотида Хуросоннинг илм-маърифат, адабиёт ва маданият маркази, ўзининг она шаҳри Ҳирот таърифини беради.

АЛЛОМАНИНГ ҲИРОТГА ТАЪРИФИ

114 байтдан иборат бу қисмда шоир сўзни «Етти фалак, етти иқлимнинг тўртинчиси равзаи ризвондек (жаннат боғи) Хуросондир. Унинг шаҳарлари сонсиз, ҳар бирининг гўзаллиги беҳад, тоғлари фалакка туташади, тоғлар бағрида жавоҳирларга тўла конлар бор, чашмаларидан пок сувлар чиқади, етти иқлим тана бўлса, сийнаси Хуросон, юраги эса Ҳиротдир», дея бошлайди. Энди шоир Ҳиротнинг қалъаларини мақтайди. Уларга ишлатилган ғиштлар кошинлари ложувард – мовий рангда, Ҳирот марказий чорраҳасининг тўрт томонида гавжум бозорлар. Баззозлар-газламафурушлар дўконида ранго-ранг атласлар қат-қат.

Ҳиротнинг жоме масжиди маҳобатли, безакдор. Минбари зиналари гўё ердан Муштарий (Юпитер) сайёраси қадар. Шаҳар маҳаллалари обод, сувга сероб. Шаҳардаги икки хиёбон икки каҳкашон кабидир (яъни осмондаги оқ кўринадиган сомон йўлига ўхшайди).

Шаҳарда ҳонақоҳ ва мадрасалар кўп. Уларни қурган муҳандислар гумбазларга гўзал ишлов берганлар. Ҳирот мадрасалари «Масжиди Ақсо» (Суриядаги машҳур мадраса) дан кам эмас. Шаҳардаги боғлар, дарахту гуллари, ёқимли шабадалари кишини ҳайратга солади. Навоий ёзади:

Мисру Самарқанд не монанд
анга,
Зимнида юз Мисру Самарқанд
анга.

Ҳиротни васф қилар экан, ақлим лол, дейди шоир, чунки уни Хусрав Ғозий (яъни Ҳусайн Бойқаро) янада обод қилди, адолат билан бунёдкорликни йўлга қўйди, шоиру адибларга, санъат аҳлига ҳомийлик қилди, бинобарин, унинг яхши номи қиёматга қолади, деб Ҳирот таърифини тугаллайди.

Алишер Навоийнинг она шаҳри Ҳирот бўлиб бутун ҳаёти Машҳад ва Самарқандни истисно қилганда асосан Ҳиротда кечди. Ўз она шаҳрини таърифлаши билан Навоийнинг яна бир анъанани бошлаб берганлигини таъкидлаш жоиз.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Андижонга, Ғафур Ғуломнинг Тошкентга берган таърифлари, Мақсуд Шайхзоданинг «Тошкентнома» (гарчи асли Озарбойжоннинг Агдаш вилоятида туғилган эса-да 1928 йилдан Ўзбекистонни иккинчи Ватаним, Тошкентни она шаҳрим деган эди) асари Навоий анъанасининг давом этганидан далолат дейиш мумкин.

Буюк аллома асарларида она юртга меҳр-муҳаббат, садоқат, фахр-ифтихор туйғулари ҳамиша асосий ўрин эгаллайди.

Суйима ҒАНИЕВА,
профессор

ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Тошкент шаҳар прокуратураси ва туман прокуратураларининг қуйидаги «Ишонч телефони» рақамларига ёки **«007»** қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари
1	Тошкент шаҳар прокуратураси	007 271-12-26, 277-10-11
2	Бектемир туман прокуратураси	295-02-81
3	Миробод туман прокуратураси	215-66-56
4	Мирзо Улуғбек туман прокуратураси	267-68-38
5	Олмазор туман прокуратураси	248-84-14
6	Сергели туман прокуратураси	258-67-10
7	Учтепа туман прокуратураси	271-52-00
8	Ҳамза туман прокуратураси	289-58-20
9	Чилонзор туман прокуратураси	277-91-62
10	Шайхонтоҳур туман прокуратураси	249-61-01
11	Юнусобод туман прокуратураси	235-25-36
12	Яккасарой туман прокуратураси	250-03-94

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингизнинг тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПРОКУРАТУРАСИ

Юртимизда ёшларни ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш йўлида кўп эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Келажагимизнинг ҳақиқий эгалари турли соҳа ва йўналишларда ўзини синаб келаётгани ёш авлод билдирилган ишончни оқлашга ҳаракат қилиб, берилаётган имкониятдан оқилона фойдаланаётганидан далолат беради.

Болалар спорти

ИШОНЧНИ ОҚЛАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАЙЛИК

Орамизда айниқса спортга кўнгил қўйган ёшлар кўпдир. Бу борада шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ва «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгашининг ҳамкорликдаги фаолияти алоҳида ўрин тутади.

Халқ таълими бош бошқармаси маълумотига кўра, бугунги кунда пойтахтимиздаги 31 та болалар ва ўсмирлар спорт мактабида 15,2 мингга яқин ўғил-қизлар 500 дан ортиқ малакали мутахассислар кўмагида жисмоний кўникмаларини мустаҳкамлаб, илк ғалаба пиллапояларини ҳам бирма-бир эгаллаб келмоқда. Эътиборлиси, ушбу спорт мактаблари тарбияланувчилари ҳатто таътил даврида ҳам машғулотлар билан банд бўлади.

Жумладан, ўтган қишки таътил давомида тизимдаги таълим масканлари ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» ўйинларининг учинчи босқичи 5-7 синфлар ўртасида ўтказилди. Бевосита спорт мактаблари тарбияланувчилари 12 тур бўйича беллашган бўлса, умумий ҳисобда 128 очко жамғарган Юнусобод тумани жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Иккинчи ўринни – Миробод тумани, учинчи ўринни – Мирзо Улуғбек ва Учтепа туманлари жамоалари эгаллади. Мусобақа ғолиблари Халқ таълими бош бошқармаси ва «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши томонидан диплом ва медаллар билан тақдирланди. Бундан ташқари, ҳар бир спорт тури бўйича ғолиб бўлган жамоаларга кубоклар ҳам топширилди.

– Яқинлашиб келаётган Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида анъанавий республика спорт мусобақалари ўтказилади. Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этиладиган мазкур беллашувларда қизларимиз волейбол, стол тенниси, бадминтон, енгил атлетика, шашка ва шахмат бўйича куч синашади, – дейди Учтепа туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Дилшод Рўзиев. – Қувонарлиси, ўтган йили шаҳар босқичида 220 нафар ўқувчи иштирок этган бўлса, умумжамоа ҳисобида 138 очко жамғарган Учтепа тумани вакиллари ғолибликни қўлга киритди. Бу мусобақада бизнинг спорт мактабимизда таҳсил олаётган қизлар фаол қатнашганлиги албатта яхши тайёргарликдан дарак беради. Фарзандларимизда соғлом турмушга мойиллигини мустаҳкамлаш учун шундай муҳитни яратиш ҳар жиҳатдан муҳимдир. Ўқил-қизларнинг айниқса спортга бўлган қизиқиши амалда ўз ифодасини топишида турли мусобақа ва танловлар алоҳида ўрин тутади.

Халқаро мусобақаларда ютуқларга эришган ёшлар ҳам талайгина. 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчиларидан Шаҳзод Қобилов Украина ва Польшада шашка бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатларида иккинчи ва учинчи ўринларни, Сайёра Йўлдошева спортнинг айнан шу тури бўйича ўтган йилда Мўғулистонда бўлиб ўтган Осиё биринчилигида иккинчи ўринни, Россиянинг Санкт-Петербург шаҳри мезбонлик қилган жаҳон чемпионатида учинчи ўринни эгаллашди.

– Бу йилги жаҳон чемпионатида мамлакатимиздан кўплаб турнирларда ғолибликни қўлга киритган ўн беш нафар ўсмир иштирок этади, – деди Чилонзор туманидаги 8-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Марат Қурбонов. – Бизнинг болаларимиз ҳам ҳозирда чемпионатга қизғин тайёргарлик кўришмоқда. Ишончимиз комилки, умумжамоа сафига улар албатта киради.

Дарҳақиқат, спорт – бу беллашув, олдинга, юқори чўққиларни забт этишга интилиш омилидир. Шу билан бирга спорт деганда, биз саломатликни, жисмоний гўзалликни англаймиз. Демакки, спорт соғлом келажакнинг асоси ҳамдир. Юқорида эришилган ютуқларнинг фақат бир қисми ҳақида сўз борган бўлсада, улар замирида ёшларимиз учун яратилган чексиз эътибор мужассамлиги муҳимдир. Биз, ёшлар, бундай ғамхўрликни қадрлаб, яратилаётган имкониятлардан оқилона фойдалансаккина, юртимиз равнақига, оз бўлсада, ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Маъмура ЁҚУБОВА,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети талабаси

Дзюдо

РИШОД ЯНА ТУРНИР ҒОЛИБИ

Жорий йилнинг январь ойида Озарбойжон пойтахти Боку шаҳрида дзюдо бўйича уюштирилган халқаро турнирда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган амалдаги жаҳон чемпиони ва Осиё ўйинлари ғолиби Ришод Собиров мўғулистонлик, грузиялик, россиялик номдор полвонларни енгиб бош совринни қўлга киритган эди. Куни кеча Францияда уюштирилган «Катта дубулға» туркумига кирувчи нуфузли халқаро турнирда иштирок этган Ришод Собировга омад кулиб боқди. Ришод ўз вазн тоифасида дунёнинг тенгсиз дзюдочиси эканлигини исботлаб яна олтин медаль билан тақдирланди.

Курраи заминнинг 79 мамлакатидан келган спортчилар ғолиблик учун кураш олиб борган ушбу нуфузли турнирнинг саралаш босқичида швейцариялик Людовик Каммартинни енга олган ҳамюртимизга кейинги босқичларда АҚШлик Николас Коссор, япониялик Тору Шишиме, грузиялик Амиран Папанишвили курагини ерга теккизиш қийинчилик туғдирмади. Турнир ғолиблиги учун арманистонлик Давтян Ковханес билан уюштирилган ҳал қилувчи беллашувда ҳам Ришодга омад кулиб боқди. Маҳорат ва тажриба бобида рақибидан устунлик қилган Ришод ғалаба қозониб турнирнинг ғолиблигини қўлга киритди. Ҳамюртимизнинг ғалабаси шарафига мадҳиямиз янгради, байроғимиз кўтарилди.

Шунингдек, ўз вазн тоифасида ушбу турнирда иштирок этган ҳамюртимиз Хуршид Набиевга бронза медали насиб этган бўлса, Абдулла Тангриев ва Дилшод Чориев ўз вазн тоифаларида кучли бешликдан ўрин эгаллаб, терма жамоамизга муҳим очколарни туҳфа этишди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

АЛИШЕР НАВОИЙ ҲИКМАТЛАР

Адл ила олам юзин обод қил,
Хулқ ила олам элини шод қил.

Билмаганни сўраб ўрганган — олим,
Орланиб сўрамаган — ўзига золим.

Бировким, эрур ростликдин йироқ,
Анингдек киши бўлмаган яхшироқ.

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Тун-кунунга айлагали нурфош,
Бирисин Ой англа, бирисин — Қуёш.

Бу гулшан ичра йўқтур баҳо
гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса
яхшилик била от.

Даврон элининг жисмида
ҳам жон бўлғил,
Ҳам жонлариға мояи дармон бўлғил.

Йигитликда йиғ илмнинг махзанин.
Қарилик чоғи харж қилғил ани.

Керак лутфу эҳсон шиор айласанг,
Адолат йўлин ихтиёр айласанг.

Ки ҳар ким аён этса яхши қилиқ,
Етар яхшиликдин анга яхшилик.

Кимки бир кўнгли бузуқнинг
хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон ўлса,
обод айлагай.

Кимки жаҳон аҳлида инсон эрур,
Билки, нишона анга иймон эрур.

Маъдани инсон гуҳари- сўздурур,
Гулшани одам самари – сўздурур.

Одамий эрсанг, демагил одами,
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Олам аҳли билингизким,
иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаки,
эрур ёрлиғ иш.

Оналар оёғи остидадур,
Равзайи жаннату жинон боғи.
Равза боғи висолин истар эсанг,
Бўл онанинг оёғи туфроғи.

Сабр ила боғлиқ иш очилур,
Ишда ошиққан кўп тойилур.

Сўзда, Навоий, не десанг чин дегил,
Рост наво нағмага таҳсин дегил.

Тилинг бирла кўнглингни бир тут.

Умрни зое этма, меҳнат қил,
Меҳнатни саодатнинг калиди бил.

Миллий либосларда миллатим кўрки. Вақти келиб мен ҳам чевар бўламан...

ЁШЛАРНИ ГИЁҲВАНДЛИКДАН АСРАШ ЙЎЛИДА

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси томонидан жорий йилнинг 1 февралидан 1 мартигача «Ёшлар орасида гиёҳванд воситаларнинг тарқатилишига қарши кураш ойлиги» юзасидан тезкор-профилактик тадбирлари ўтказилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшларга алоҳида эътибор қаратилиб, ўқиб-ўрганиши, илм эгаллаши учун барча шарт-шароитлар яратилди. Бу имкониятлар самараси ўлароқ, бугун ҳар томонлама етук ва салоҳиятли ёшлар тарбияланмоқдаки уларнинг ютуқларидан фахрланасан киши. Аммо гуруч курмаксиз бўлмайди деганларидек, айрим ёшларимиз борки, билиб-билмай жиноят кўчасига кириб қолмоқда. Наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятларни содир этаётганлар, гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишга муккасидан кетганлар орасида ёш йигит-қизларнинг ҳам борлиги кишини ташвишлантиради. Таҳлилларга кўра, республикамиз бўйича 2010 йилда наркотик моддалар билан боғлиқ жиноятлар сони ёшлар орасида 16,4 фоизни ташкил этган.

Ана шу каби нохуш ҳолатларнинг олдини олишда ўқувчи ва талабаларнинг ҳуқуқий билимини янада оширишга қаратилган турли тадбир ва анжуманларнинг аҳамияти беқиёс. Ички ишлар Бош бошқармаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилаётган турли учрашув ва семинарларда ўсиб келаётган ёш авлодни гиёҳвандлик балосидан асраш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, бўш вақтларини касб-ҳунарга йўналтирган ҳолда унумли ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Миллий ва Тошкент Давлат техника университетларида ўтказилган учрашувларда ҳам шаҳар ИИББ нинг масъул ходимлари, тегишли муассаса вакиллари иштирок этиб, мавзу юзасидан атрофлича фикр-мулоҳаза юритилди. Учрашувда наркотик моддалар билан боғлиқ ҳолатлар, бундай иллатларга ёшларнинг кириб қолаётганлиги, осон топиладиган маблағ деб ёш умрини хазон қилаётган айрим ёшларнинг аччиқ қисматлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

— Махсус дастур асосида ўтказилаётган тадбирларда наркотик моддалар истеъмол қилишнинг салбий жиҳатлари, унинг исканжасига кириб қолган ёшларнинг истиробли ҳаёти ҳақида атрофлича маълумот берилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар ИИББ матбуот маркази ходими, майор Тўлаган Абдуллаев. — Олиб борилаётган тезкор-қидирув тадбирлари давомида ёшларни наркотик моддаларни истеъмол қилишга ундаган шахслар аниқланиб, фош этилмоқда. Бунда ички ишлар идораларининг профилактика хизмати ва бошқа тегишли ташкилотлар, жамоатчилик ёрдамида ўтказилаётган тадбирларнинг аҳамияти катта бўлмоқда.

Тадбирда бу йўлнинг салбий оқибатларига, унга кириб қолган ёшларнинг аянчли ҳаётига бағишланган видеофильм намойиш этилди.

Наргиза АСАДОВА,
«Туркистон-пресс»

Қилмиш — қидирмиш

СЎНГГИ ПУШАЙМОН

Асқар ҳушига келиб, кўзини очдию мен қаерда ётибман, деб атрофга аланглаб қарай бошлади. Эшик олдида милиция кийимида ўтирганларга кўзи тушиб, бир қаттиқ сесканди-ю тағин ҳушидан кетди.

— Тинчликми? Оғайни ўзингизни яхши ҳис қилаяпсизми? — деб сўради милиционерлардан бири унинг каравоти олдига келиб.

— Йўқ, йўқ, уни мен ўлдирганим йўқ, — дея Асқар яна чойшабни бошига ўраб ғужанак бўлиб олди.

...Воқеа жойига етиб борган тезкор гуруҳ жисмоний куч ишлатиб ўлдирилган аёл жасадига дуч келдилар. Жазодан қутулиб қолишнинг ҳеч қандай иложи йўқлигини билиб, тақдирга тан берган Асқар бўлиб ўтган воқеа ҳақида терговчига сўзлаб бера бошлади.

Асқар тирикчилик дея ўз машинасида киракашлик қилар эди. Бир куни Ўрикзор бозоридан — Чилонзорга деб бир аёл киши машинасига ўтирди. Жуссаси, юз-тузилиши кўҳликкина бўлган бу аёл эркакшода эди. Бир гапириб ўн кулар, эркакчасига чапани сўкиниб қўяр эди. Уйига келганидан кейин сотишга молим тугаб қолди, деб қутиларда бир нималар кўтариб чиқди. Албатта Асқар ҳам қараб тургани йўқ, юклаш ва туширишда аёлга кўмаклашди. Эркаксифат бу хотиннинг нимасидир Асқарга ёқиб қолди.

Аввалига мижози бўлган бу аёл бир неча кун ўтганидан кейин маҳбубага айланди. Йигит ҳаётидан мамнун эди. Чунки ҳамма ўтиришу, кайф-сафо учун сарф этиладиган харажатларга пулни савдогар хотиннинг ўзи тўлар эди.

Ҳа, бошида ҳаммаси яхши эди. Кейинроқ эса аёл тизгинни ўз қўлига ола бошлади. Асқар кундан кунга унинг юкини ортиб-туширадиган, айтилган жойига машинасида олиб борадиган бир югурдакка айланди. Аёл вақт-бевақт унинг уйига ҳам қўнғироқ қиладиган одат чиқарди. Бир куни Асқарни сўраб қўнғироқ қилган эди хотини олди. Гап талашиб, уришиб қолиб, уйига келиб бақир-чақир қилиб сочларидан судраб уриб кетди. Қўшнилар ўртага тушиб ажратиб қўйдилар.

Бир куни кечқурун Асқар уйда, болаларининг олдида ёнбошлаб телевизор кўриб ўтирган эди. Кимдир эшик қўнғироғини чалмасдан, зарб билан тепа бошлади. Эшик ортидаги ким эканлигини қалбан ҳис этган йигит жаҳл билан бориб эшикни очди. Тахмини тўғри чиқди. Хотин бостириб уйга кириб келди.

Даҳанаки бошланган жанг муштлашувга айланди. Аламига чидолмаган йигит икки қўллаб аёлнинг бўйнидан бўғиб, бошини деворга ура бошлади. Ақл-ҳушини йиға бошлаганда эса кеч бўлганди. Хотиннинг жонсиз гавдаси сирғалиб ерга, оёқларининг остига тушди. Аёлнинг қимирламай қолганини кўриб у жон ҳолатда қочиб ташқарига чиқди ва машинасига ўтириб газни босди. Лекин афсуски эс-ҳушидан айрилгандек рулга ўтирган йигит машинани бошқара олмади, улов зарб билан бориб темир панжарага урилди. Эшик қарсиллаб очилиб кетиб, Асқар ерга учиб тушди ва ҳушидан кетди.

Ҳудудни айланиб юрган профилактика нозирлари келиб қолмаганида эҳтимол совуқда музлаб қолар эди...

Халқимизда бежизга «Саёқ юрсанг — таёқ ейсан» деган мақол айтилмаган. Ҳаётга енгил-елпи қараб, ҳалол меҳнат нонини ейишдан кўра, кайф-сафони хуш кўрганлар қисмати шундай якун топиши тайин.

Қилмиши учун жавоб беришга мажбур бўлган «қаҳрамонимиз» ҳам панжара ортида ўтириб хулоса қилар...

Шавқиддин САМИЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Аукцион савдосига М.Улуғбек тумани СИБ томонидан, 11.01.2011 йилдаги №1109/22 ҳамда 06.08.2010 йилдаги 1-123-10-сонли ижро ҳужжатларига асосан хатланган Тошкент вилояти ИИББ ЙХХБ майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1."ГАЗ-31105-100" русумли, д/р 11О0916 бўлган, 2008 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 14 683 540 сўм. **2.** "Нексия Донс 1.6" русумли, д/р 10О515ВА бўлган, 2009 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 18 861 240 сўм. **3.** "ГАЗ-3110-101" русумли, д/р 10U350АА бўлган, 2003 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси – 8 816 110 сўм.

Аукцион савдоси 2011 йил 15 март куни соат 11.00да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон ф-даги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., Олмазор т., 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz. Лицензия: DB 001 №000004.

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **10 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси ҳарорат — 3-5 даража совуқ, кундузи — 6-8 даража илиқ бўлади.*

*Республика ҳудуди бўйича **10 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Айрим жойларга туман ту- шади. Ғарбдан-шарққа се- кундига 7-12 метр тезлик- да кучайган ҳолда 15-2(метр тезликда шамол эса ди. Ҳарорат кечаси — 0-. даража совуқ, кундузи — 3 8 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторин хизмати маълумотига кўра **10 февраль** куни Тошкент шаҳ ри об-ҳаво шароити шаҳа ҳаво муҳитида зарарли модда ларнинг бироз тарқалиб кети шига имконият яратади. Ат мосферанинг ифлосланиш да ражаси 1-3 фоиз пасайиш тахмин қилинмоқда, тағмиқ дори паст бўлади.*

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4581 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

123 5

Буюртма Г- 206

Топширилган вақти: 13.30